

## Рамазон рўзаси вақтида...



14:33 / 11.03.2024 2459

Ибн Ражаб Ҳанбалий раҳимаҳуллоҳ: «Анас айтади: мусулмонлар Шаъбон ойи кирса, мусҳафлари устига мук тушганча қироатга тушиб кетардилар ва Рамазон рўзаси вақтида заиф ва мискинларга қўллаб-қувватлов бўлиши учун молларидан закотларини чиқарар эдилар», дедилар.  
«Латоифул маъориф» асаридан.

**Изоҳ:** Мисрлик олим, Ислом ишлари олий ҳайъати аъзоси шайх Холид Жундий DMC фазовий йўлдош телеканалда эфирга узатиладиган «Лаъаллахум яфқоҳуун» номли кўрсатувда жумладан, шундай дейди: «Закот чиқаришнинг энг афзал вақти шаъбон ойидир. Бу ҳолат саҳобаларнинг ҳаётларида очиқ-ойдин зоҳир бўлган. Шунинг учун ҳам закот чиқаришда улкан ажр-савоблар бор бўлиб, уни комил бажаришда савоблари бир неча баробар зиёда бўлишини айтди ҳамда закот фарз ибодат бўлиб, Ислом арконларининг учинчи рукнидир», дея қўшимча

қилди.